

Умар ибн Абдулазиз ўлим тўшагида



08:00 / 18.12.2019 2804

Аммора ибн Абу Ҳафсадан ривоят қилинади: «Умар ибн Абдулазиз бетоб бўлиб ётганда Маслама ибн Абдулмалик унинг ҳузурига кирди. Умар ўлим тўшагида эди. «Аҳлингиздан кимга васият қиласиз?» деб сўради Маслама. «Аллоҳни унутганимда менга эслатганларга», дедилар Умар ибн Абдулазиз. Маслама яна «Аҳлингиздан кимга васият қиласиз?» деб сўради. Шунда Умар ибн Абдулазиз: **«Менинг эгам Китоб нозил қилган Аллоҳдир. У солиҳ зотларни дўст тутар»**, деб жавоб бердилар (Аъроф сураси, 196-оят).

«Солиҳлар гулшани» китобидан